

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси Ички
ишлар вазирлиги хузуридаги
Жамоатчилик кенгаши раиси
 **Ё.Х.Саъдиев**
2024 йил  январь **13/31**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 мартдаги ПФ-6181-сон ва 16 июндаги ПФ-6247-сон Фармонлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, Ички ишлар вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик Кенгаши томонидан I-ярим йиллик давомида амалга ошириладиган чора-тадбирлар

ДАСТУРИ

Т/Р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
1.	Жамоатчилик кенгашининг 2023 йил 2-ярим йилликдаги фаолият яқунлари юзасидан, шунингдек келгусидаги долзарб масалалар бўйича вазифаларни белгилашга қаратилган муҳокама йиғилишини ташкиллаштириш	январь ойида	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ Ахборот хизмати, ИИВ ММИваКБТД
2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ташкил этилганлигининг 32 йиллигини ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-79-сон Фармойиши ва унга 2-илова Дастурнинг ижроси доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар ва жараёнларини республика ОАВ орқали кенг ёритилишини таъминлаш	январь ойида	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ Ахборот хизмати, ИИВ ММИваКБТД
3.	21 март – “Наврўз” умумхалқ байрами муносабати билан, жамоатчилик вакиллари иштирокида маънавий-маърифий тадбирларини ташкил этиш ва юқори савияда ўтказиш, шунингдек республика ОАВлари орқали кенг ёритиш	март ойида	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ Ахборот хизмати, ИИВ ММИваКБТД

Т/Р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
4.	9 май – “Ҳотира ва қадрлаш” куни муносабати билан, жамоатчилик вакиллари иштирокида маънавий-маърифий тадбирларини ташкил этиш ва юқори савияда ўтказиш, шунингдек республика ОАВлари орқали кенг ёритиш	май ойида	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ Ахборот хизмати, ИИВ ММИваКБТД
5.	2021 йил 4 мартдаги “2021 – 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6181-сон, 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, Жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сон Фармон ҳамда 2018 йил 4 июлдаги “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3837-сон қарорда белгиланган вазифалар доирасида, ИИВ тизими фаолиятига тааллуқли матбуот анжумани, семинар ва брифинглар ташкиллаштириб бориш	ҳар чорак давомида	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ Ахборот хизмати, ИИВ ММИваКБТД
6.	ИИВ тизимида хизматга қабул қилинишида шаффофликни таъминлаш, коррупциявий ҳолатларни олдини олиш, бу ўринда, инсон омилини камайтириш борасида “Е-pomzod”, “Е-kadr”, “Е-ijtimoiy himoya” каби рақамлаштириш ишлари жараёни тўғрисида Жамоатчилик кенгаши учун маълумот бериб бориш	1-ярим йил яқунлари бўйича	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ ММИваКБТД, ИИВ Ахборот хизмати
7.	Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган ташаббус, 2024 йилни “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” деб эълон қилиниши доирасида белгиланган вазифаларнинг ижроси борасидаги амалий ишлар юзасидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш	Доимий равишда	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ Ахборот хизмати, ИИВ ММИваКБТД
8.	Жамоатчилик кенгаши аъзолари томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек, дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олинishi, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, ички ишлар органлари зиммасига юкланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш бўйича ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.	Доимий равишда	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ Ахборот хизмати ИИВ Ташкилий департаменти, ИИВ МваМТТД, ИИВ ММИваКБТД

Т/Р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
9.	Республика оммавий ахборот воситалари ҳамда Жамоатчилик кенгашининг барча аъзоларига ҳудудий ахборот хизмати раҳбар ва ходимлари, улар билан алоқа ўрнатиш тартиби тўғрисида аниқ маълумотлар бериш, ходимлар билан боғлиқ барча материаллар бўйича жамоатчилик вакилларига дарҳол тегишли маълумот ва расмий муносабат билдирилиши бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш.	Доимий равишда	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ Ахборот хизмати, ИИВ ММИваКБТД
10.	Йўл ҳаракати хавфсизлиги, Жамоат тартибини сақлаш, Миграция ва бошқа соҳавий хизматлар йўналишида тизимни рақамлаштириш ва умумий ривожлантиришга оид бошқа амалий ишлар бўйича Жамоатчилик кенгашларига ҳисоб бериб бориш	Доимий равишда	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ Ахборот хизмати, ИИВ ММИваКБТД
11.	Ҳудудий органлар Жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ўрганиш юзасидан, ўзаро ҳамкорликда жойларга хизмат сафарлари ташкил этиш ва улар билан тажриба алмашиш фаолиятини йўлга қўйиш	1-2 Чорак давомида	ИИВ Жамоатчилик кенгаши вакиллари, ИИВ Ахборот хизмати, ИИВ ММИваКБТД
12.	Вазирлик тизими хизмат биноларига кириб-чикиш тартибини енгиллаштириш мақсадида, Жамоатчилик кенгаши аъзоларига тегишли намунадаги гувоҳномалар берилишини ташкиллаштириш	Йил якунига қадар	ИИВ ММИваКБТД, ИИВ Ахборот хизмати,
13.	ИИВ Жамоат хавфсизлиги масалалари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар маркази томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан ички ишлар органлари фаолиятига боғлиқ масалаларда ўтказилган тадқиқот ва социологик сўровлар ўтказилишида ҳамкорлик қилиш	Доимий равишда	ИИВ Жамоат хавфсизлиги масалалари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар маркази, ИИВ Ахборот хизмати, ИИВ ММИваКБТД
14.	Ички ишлар органларида тарбиявий ишлар самарадорлигини ҳамда шахсий таркибнинг маънавий-маърифий билимларини ошириш мақсадида, ички ишлар органлари Фахрийлар кенгашлари, Маънавий-маърифий ишлар хизмати ва унинг ҳудудий тузилмалари, шунингдек, жамоат ташкилотлари, театрлар, ахборот-кутубхона марказлари, таълим муассасалари ва бошқалар иштирокида маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирларни ўтказиб бориш.	Доимий равишда	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ ММИваКБТД, ИИВ Ахборот хизмати

Т/Р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
15.	Хукукбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва унга кенг жамоатчиликни жалб этишни ташкиллаштиришда Ички ишлар органлари хузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ва Фахрийлар кенгашлари ҳамкорлигини таъминлаш	Доимий равишда	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ ХПХ, Ахборот хизмати, ММИваКБТД, Фахрийлар кенгаши
16.	Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳамда манфаатдор ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда коррупция иллатига қарши курашиш йўналишида амалга оширилаётган ишларга оид медиа маҳсулотларни тайёрлаш ҳамда кенг жамоатчилик эътиборига мунтазам равишда ҳавола этиб бориш	Доимий равишда	ИИВ Ахборот хизмати, ИИВ ММИваКБТД
17.	ИИВ тизими ёш ходимларини хизмат бурчига ҳамда Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасида, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқининг ички ишлар органларидаги бошланғич ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш	Доимий равишда	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ Ёшлар иттифоқи етакчилар кенгаши, ИИВ Ахборот хизмати
18.	“Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилиш – олий бурчимиз!” мавзусида маънавий-маърифий тадбирлар, спорт тадбирлари, фахрийлар ва ёшлар учрашувларини мунтазам ташкил этиб бориш.	Доимий равишда	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ ММИваКБТД, ИИВ Фахрийлар кенгаши, ИИВ Ахборот хизмати
19.	Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат интизоми ва қонунчиликка риоя қилишлари аҳволини мунтазам ўрганиб бориш ва уни мустаҳкамлашга қаратилган манзилли ва мақсадли чора-тадбирлар муҳокамасини ўтказиб бориш	Ҳар чорак давомида	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ Ахборот хизмати, ИИВ ММИваКБТД
20.	Ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилиб, ички ишлар органлари тизими обрўсига путур етказиши мумкин бўлган маълумотлар юзасидан узлуксиз мониторинг олиб бориш, заруратга кўра, ўз муддатида расмий муносабатлар бериш. Умумий тизим фаолиятининг ривожланишига оид таклифлар тайёрлаш раҳбариятга киритиш	Доимий равишда	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ Ахборот хизмати, ИИВ ММИваКБТД
21.	Давлат байрамлари ва касб кунлари нишонланиши муносабати билан, ички ишлар органлари ходимлари, нафақадаги ходим ва ҳарбий хизматчилар ҳолидан хабар олиш.	Доимий равишда	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ ММИваКБТД, ИИВ Ахборот хизмати

Т/Р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
22.	ИИО ходимларининг ижтимоий ҳимояси жумладан, уй-жой билан таъминлаш, куриш ёки таъмирлаш учун фоизсиз қарз бериш, автокредит берилиши, санаторий ва курортларда дам олиш харажатларини қопланиши, мактабгача таълим ташкилотларига ходимлар фарзандларини жойланиши, тўй ва дафн маросимлари учун моддий ёрдам бериш ва бошқалар юзасидан жамоатчиликка ҳисобот беришини ташкил этиш	2ярим йиллик якуни бўйича	ИИВ-ИИББ-ИИБ, ИИВ ММИваКБТД, ИИВ МваМТТД, Тиббиёт бошқармаси, ИИВ Ахборот хизмати
23.	Ички ишлар органларининг фаолиятдан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш мақсадида “Постда” – “На посту” газеталари, “Қалқон” – “Щит” журналлари ҳамда марказий ва маҳаллий нашрлар билан ҳамкорликда мақола ва очерклар бериб бориш.	Доимий равишда	Бирлашган тахририят, ИИВ ММИваКБТД, ИИВ Ахборот хизмати
24.	ИИВнинг таълим муассасаларида узоқ йиллар ички ишлар органларида намунали хизмат қилган, юксак обрў-эътиборга эга бўлган фахрийлар иштирокида авлодлар учрашувларини ташкил этиб бориш.	Ҳар чоракда	ИИВ ММИваКБТД, ИИВ Фахрийлар кенгаши ИИВ Ахборот хизмати
25.	ИИВ Академияси тингловчилари маънавий билимларини юксалтириш мақсадида таниқли маънавий тарғиботчилари, олим ва шоирлар, санъат арбоблари иштирокида бадиий кечалар, учрашувлар, викторина ва кўрик-танловлар ташкил этиш.	Доимий равишда	ИИВ Академияси, ИИВ ММИваКБТД, ИИВ Ахборот хизмати

Дастур тўзди:


Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси бошлиғи полковник

ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор

ИИВ Маънавий-маърифий ишлар хизмати бошлиғи, полковник

“ К Е Л И Ш И Л Г А Н ”

 **Ш.К. Гиясов**

 **Э.Н. Норғитов**

 **Х.В. Махсумов**